



№ 03-04  
2020-йил, 7-январь  
Seshanba (32.598)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta  
1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Президентимизнинг  
Янги йил табригида  
2020 йилда янги иш  
ўринлари ташкил  
этишга алоҳида  
эътибор қаратилди

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

3

## МУФТИЙ УСМОНХОН АЛИМОВГА “ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ” ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 январь куні Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовни қабул қилиб, унинг 70 йиллик таваллуд айёми билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари Усмонхон Алимовнинг миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, буюк алломаларимиз, мутафаккирларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда жамиятда диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбари нафақат юртимиз ва Марказий Осиёда, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган нуфузли уламолардан бири экани, унинг Ислоом олами уюшмаси таъсис мажлиси ҳамда Бутунжаҳон уламолар кенгаши аъзоси этиб сайлангани, “Дунёнинг энг нуфузли 500 мусулмони” рўйхатидан муносиб ўрин эгаллагани халқимизга улкан фахр бағишлаши таъкидланди.

– Биз муфтий ҳазратларини ислом маърифатининг толмас тарғиботчиси сифатида биламиз ва қадрлаймиз. “Тафсири Ирфон”, “Имом Бухорий – муҳаддислар султони”, “Оилада фарзанд тарбияси” каби асарларингиз халқимиз қалбидан чуқур жой олган, – деди давлатимиз раҳбари.

Давоми 3-бетда. ▶



## ЎЗБЕКИСТОН ХДП БРИФИНГ ЎТКАЗДИ

Партия Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов сайлов ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан юқори даражада ташкил этилгани, барча партияларга кенг ҳамда тенг имкониятлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлади


4

Давоми 4-бетда. ▶


Жорий йилнинг 5 январь куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25 та сайлов округларидаги 1 730 та сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.

Ушбу сайлов участкаларида 3 миллион 147 минг 79 нафар фуқаро Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига киритилган бўлиб, улардан 1 миллион 978 минг 48 нафари такрорий овоз беришда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутатлари



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган номзодлар таркиби бўйича ТАХЛИЛИЙ ЖАДВАЛ



## ЎЗХДП фаоллари ва депутатлари диққатига!

Янги – 2020 йилни катта орзу умидлар билан кутиб олдиқ. Янги йилнинг дастлабки ҳафтаси ҳам байрам кайфияти ва ҳаяжонлари билан ўтди.

5 январда эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига такрорий сайлов бўлиб ўтди.

Янги Ўзбекистоннинг янги парламенти узил-кесил шаклланди, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайланди. Бу тарихий сиёсий жараёни газетамизда батафсил ёритиб боришга ҳаракат қилдик. Бундан кейин ҳам парламент ва депутатларимиз фаолияти, янги қонунларга шарҳлар, қонунлар назорати, партияимиз ташкилотларидаги янгиликлар, ташаббуслар газетамизнинг асосий мавзулари бўлиб қолади.

Бироқ 2020 йилга обунанинг бугунги натижаси таҳлили кўрсатмоқдаки, партия ташкилотлари, фаоллар, депутатлар орасида газетамизга обуна бўлишга улгурмаганлари оз эмас. Айниқса, бошланғич ташкилотларнинг аксарияти обунага эътиборсиз қарамоқда. Ваҳоланки, партия тизимидаги ташкилотлар партия нашрига биринчи бўлиб обуна бўлишлари керак эди.

Обуна давом этмоқда, январь ойида 11 ойлик обунани ташкил этиш имконияти бор. ЎзХДПнинг Қорақалпоғистон республика Кенгаши ва вилоятлар Кенгашлари раҳбарлари бу масалага алоҳида эътибор қаратишади, деб уйлаймиз.

Обуна индекси: 220

**O'zbekiston ovozi**

ҚАРДОШЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25 та сайлов округларидаги 1 730 та сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.

### ХОРИЖГА ЧИҚИШ БИОМЕТРИК ПАСПОРТИ

РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ҚУЙДАГИ ҲОЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

- Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишда;
- консуллик рўйхатига олинган фуқаролар хорижда бўлганида;
- амал қилиш муддати тугаганида;
- фарзанд хорижда тугилганида;
- фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган санаси, жинси ўзгарганида;
- ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганида;
- тегишли саҳифалари тўлганида;
- яроқсиз ҳолга келганида;
- йўқотиб қўйилганида;
- ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида.

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ:

туғилган кунидан бошлаб 1 ёшгача	2 йил	1 ёшдан 16 ёшгача	5 йил	16 ёшдан ошган шахсларга	10 йил
----------------------------------	-------	-------------------	-------	--------------------------	--------

Амал қилиш муддати тугаганидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспорти маълумотларни йиғиш пунктига топширилади.

РАСМИЙЛАШТИРИШ ЧОҒИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШ ПУНКТИГА ҚУЙДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

- белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- биометрик паспорт ёки ID-карта ёхуд 16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун тугилганлик ҳақида **ғувоҳнома**;
- илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспорти (мавжуд бўлган тақдирда);
- ваколатли органнинг қарори (хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида);
- ҳарбий ғувоҳноманинг ёки қаҳирув участкасида қайд этилганлиги ҳақидаги **ғувоҳноманинг нусخаси** ёхуд мудофаа ишлари бўлимининг белгиланган намунадаги маълумотномаси — ҳарбий хизматга мажбурлар учун;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги **квитанция**;
- ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг фуқаронинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги — воёга етмаганлар учун;
- фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти — воёга етмаганлар учун.

ПАСПОРТНИ БЕРИШ МУДДАТИ:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида – **10 иш кун**
- Хорижда – дипломатик почтани жўнатиш графигига мувофиқ



Халқ ишончи — юксак шараф ва масъулиятдир!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХДПДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР



Бабенко Елена  
Владимировна  
21-Истиқлол сайлов округи



Рахмонов Шерзод  
Толибович  
29-Жилвон сайлов округи



Акрамова Зулайхо  
Абдуразоқовна  
33-Дўстлик сайлов округи



Уразалиева Мукадас  
Уктамовна  
34-Зомин сайлов округи



Ўразбоев Урал  
Камолович  
37-Шароф Рашидов сайлов округи



Темиров Анвархон  
Абдулаизханович  
46-Косонсой сайлов округи



Исмоилов Нурдинжон  
Мўйдинханович  
50-Учкўрғон сайлов округи



Тургунова Шохиста  
Мухаммаджоновна  
51-Чортоқ сайлов округи



Иноятов Улугбек  
Илясович  
53-Янгикўрғон сайлов округи



Вафаяев Улугбек  
Назарович  
60-Пайариқ сайлов округи



Остонов  
Сафар  
63-Каттакўрғон сайлов округи



Буранов Шербек  
Эркинович  
65-Зиёвуддин сайлов округи



Абдуллаева Ойбарчин  
Бекмуратовна  
83-Олтинсой сайлов округи



Шарипов Фирдавс  
Холназарович  
84-Денов сайлов округи



Ҳасанова Мавжуда  
Ганиевна  
86-Узун сайлов округи



Касимова Кизилгул  
Эрматовна  
90-Бўстонлик сайлов округи



Варисова Максуда  
Азизовна  
91-Зангиота сайлов округи



Шадиёва Зухра  
Турсуновна  
99-Дўстобод сайлов округи



Уринбоев Аваз  
Рустамович  
107-Риштон сайлов округи



Мамаджанова Дилбархон  
Рахматовна  
112-Водил сайлов округи



Имомова Дилором  
Неъматовна  
133-Шаҳрисабз сайлов округи



Назаров Шарофиддин  
Ҳакимович  
138-Кўқдала сайлов округи

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари манфаатини ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Бу юксак инсонпарвар ғояни амалга ошириш, энг аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларимиз меҳнатига боғлиқ бўлади.

Сайловчилар ишончини оқлашда уларга куч-ғайрат ва муваффақият тилаймиз!



Президентимизнинг Янги йил табригида билдирилган фикрлар чуқур ўйлаб, хулоса чиқаришни талаб этади.

# МУНОСАБАТ

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

### яратишнинг одамлар ҳаёти ва тақдиридаги аҳамияти ҳақида мулоҳазалар



Янги йилни орзиқиб кутиш асосида Президентимизнинг халқимизга Янги йил табригини диққат ва ҳаяжон билан тингладик.

Янги йил табриги — бу дил сўзлари, покиза тилаклар, яхши ниятлар, Президентимизнинг хоши-иродаси, Яратгандан ўз халқига сўраганлари...

Табрикда 2019 йилда мамлакатимизнинг салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилгани айтилди. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан мўл ҳосил етиштиргани таъкидланди. Минг-минглаб юрдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлгани қайд этилди.

Бу каби улкан ютуқлар, эзгу ишлар қисқа-қисқа айтилди, аслида улар замирида катта меҳнат, минг ўйлаб, бир фикрга келинган қарорлар ётибди.

“Фаол инвестициялар ва эътимой ри-

вожланиш” йили сифатида тарихга айланган 2019 йилда мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилган ҳар бир ишнинг маъно-мазмунини, аҳамияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Улардан энг муҳимларидан бири табрикда айтилганидек, йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилгани бўлди. Эътибор бераясизми, “**айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун**”, деб уқтирилмоқда. Нега бу масалага алоҳида ургу берилляпти?

Мен яқинда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида сайловолди учрашувлари ўтказиш учун ўндан зиёд қилмоқда бўлдим, энг чекка ҳудудлар — Бурғутомон, Мойбулоқ, Андоқда яшайдиган одамлар ҳаёти билан яқинроқ танишиш имкони бўлди. Каттақўрғонликлар айтганидек, кейинги икки йилда кенг қамровли ўзгаришлар бўляпти, туман маркази қиёфаси мутлақо

ўзгариб борапти, катта бунёдкорликларга қўл уриляпти, хитойлик инвесторлар замонавий, йирик иссиқхоналар қурмоқда, маҳаллий тадбиркорлар қўллаб-қувватланмоқда. Натижада янги иш ўринлари кўпаймоқда.

Аммо бандлик масаласи долзарблигича қолмоқда. Қўллаб-қўшмоқларда хотин-қизлар ишга муҳтож бўлиб юрибди. Ешлар орасида иш ахтариб вилоят маркази ёки пойтахтимиз Тошкентга, ҳатто бошқа давлатларга кетганлари оз эмас. Узоқ йиллар давомида “иш ўрни яратилди”, деб сохта маълумотлар тайёрланиб келингани бугун ўз оқибатини кўрсатмоқда. Масалан, ҳар йили бир миллионга яқин иш ўрни яратилди, деб ахборотлар тарқатиларди. Ҳар йили бир миллион иш ўрни яратилган бўлса, ўйлаб кўрайлик, ўн-ўн беш йилда қанча иш ўрни яратиларди?... Эҳтимол, анча-мунча иш ўринлари яратилгандир, лекин ҳар йили қанча иш ўрни ёпилиб кетатгани ҳисобга олинмаган. Ҳаётдан йироқ рақамлар турли идоралар маълумотларида кўрсатиб келинди...

Бугун вазият ўзгарди, биргина “фаол инвестиция”лар ҳисобига минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Пойтахтимиз мисолида оладиган бўлсак, Сергели туманидаги кенг кўламли бунёдкорликлар, “Тошкент сити”, “Олмазор сити” каби қурилишлар, янги йўллар, кўприклар, катта-кичик корхоналар яратилаётгани бандлик муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам одамларни иш билан банд этмоқда. Бундай мисолларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ҳам келтириш мумкин.

Бироқ очигини айтиш керак, бандлик муаммоси буйича кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишни ҳаёт талаб қилмоқда. Айнан ишсизлик қўллаб-нохушлик ва фожияларга сабаб бўлмоқда. Оилали, уч-тўрт фарзандли ишсиз отанинг руй-ҳолатини тасаввур қилиб кўринг. Аёли

ва болаларининг кўзига қарашга ботина олмайди у. Еки икки фарзанди билан ёлғиз қолган ишсиз аёлнинг аҳволи қандай бўлишини тушунишга ҳаракат қилайлик...

Ишсиз одам ўзини камситилгандек сезади, хўрланган ҳис этади. Иш топиш илгини оиласи ва фарзандларини ташлаб бошқа шаҳарларда юрган отага осонми? Болаларини отасиз тарбиялаётган аёлга осонми? Бундай ҳолатлар янги, янада оғир муаммоларни келтириб чиқармайдими? Жамиятга, давлатга катта ташвишлар келтирмайдими?

Шунинг учун ҳам одамларни иш билан таъминлаш масаласи, тадбиркорлик қилмоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаш катта-ю кичик ҳар бир раҳбарнинг, сиёсий партияларнинг, хусусан, депутатларнинг доимий эътиборида турмоғи лозим, деб ўйлайман.

Президентимизнинг Янги йил табригида **2020 йилда тадбиркорлик ва бизнес учун қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз**, деб таъкидланиши замирида ҳам катта мақсад ётибди, бандлик масаласи долзарблигини исботлаб турибди.

Ишли ва ишсиз одамнинг бир-биридан фарқи нимада? Ишсизлик одамни ҳар баалога гирифтор қилади, ишсизнинг кўнгли яримта бўлади, жамиятдан ажралиб қолади. Кимдандир, нимадандир алами бўлади, норози кайфиятда юради.

Ишли одамнинг эса кўнгли тинч бўлади, қадди баланд, чеҳраси очик бўлади. Эртанги кунига ишончи бўлади, орзу-ҳаваси бўлади. Ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Бу — инкор қилиб бўлмас икки ҳақиқатни чуқур анласак, иш ўринлари яратиш, одамларни иш билан таъминлаш нақадар муҳимлиги аён бўлади. Иш ўрни оила бутунлиги, фарзандлар саломатлиги, тарбияси билан боғлиқ масала. Жамиятнинг тинчлигини белгилайдиган муҳим омиллардан биридир.

Янги йил табригида янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ фикрлар шунинг учун қадри ва аҳамиятли. Аммо бу яхши ниятлар амалга ошиши ҳар биримиз одамлар ҳақида қанчалик қайғуришимиз ва бурчимизга нақадар садоқатли эканимизга боғлиқ бўлади.

**Сафар ОСТОНОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



## МУФТИЙ УСМОНХОН АЛИМОВГА “ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ” ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муслмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг мамлакатимизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу ғояларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини тадқиқ этиш ва халқро миқёсда кенг тарғиб қилиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бағрикенглик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолиятининг юксак эътирофи рамзи сифатида унга “Эл-юрт ҳурмати” орденини топширди.

Муфтий Усмонхон Алимов давлатимиз раҳбарига юксак мукофот учун ташаккур билдириб, сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча жабҳалари қатори диний-маърифий соҳада ҳам улкан ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Муқаддас ислом динини ўрганиш, аждодлар меросини қайта тиклаш ва уларни келажак авлодларга етказиш буйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларда бор куч-ғайратини сафарбар қилишга тайёрлигини билдирди. Учрашувда мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёш авлодни тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларида Ўзбекистон муслмонлари идораси ва диний соҳа вакиллари фаол иштирок этишни ўз бурчи деб билиши қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан буюк аждодларимизга муносиб ворислар тайёрлаш, юртимизда диний таълим тизимини такомиллаштириш, ислом динининг асл моҳияти ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани халқимиз ва халқро ҳамжамият томонидан юксак эътирофга сазовор бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида “Умид” жамғармаси битирувчиларининг “Янгиланаётган Ўзбекистон учун янги авлод кадрлари” мавзусида биринчи халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этилган анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Япония, Австралия, Жанубий Корея каби 18 давлатдан келган ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган 300 дан зиёд “Умид” жамғармаси битирувчиси иштирок этди.

Икки кун давом этган конференцияда мамлакатимиз вазирилик ва идораларида масъул лавозимларда хизмат қилаётган, хорижий мамлакатларда ишлаётган ватандошлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаларини таҳлил қилди, истиқболдаги режаларнинг самарали ижроси юзасидан экспертлар фикрлари ўрганилди, жамиятни янада демократлаштириш, давлат бошқарувини модернизация қилиш, бозор иқтисодиёти таъминини янада яқинлаштириш, қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда меҳмонларга “Янгиланаётган Ўзбекистон — бугунги орзулар, режалар ва эртанги истиқболлар” мавзусидаги видеоролик орқали мамлакатимизда рўй бераётган чуқур ва изчил ўзгаришлар, мавжуд имкониятлар, яратилаётган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Конференция ялпи мажлисида “Умид” жамғармаси битирувчилари, бугунги кунда вазириятларда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг маърузалари тинланди. Ушбу маърузалар асосида ташкил этилган шубба йиғилишларида мамлакатимиз тараққиёти учун долзарб масалалар Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган истеъдодли, малакали мутахассислар томонидан мунозара, савол-жавоб шаклида кизгин муҳокама қилинди. Бунда асосий эътибор мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, таълим соҳасини ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, мамлакатнинг инновацион ривожланиш стратегияси ва унинг афзалликлари, қишлоқ



хўжалигига илгор технологияларни жорий этиш сингари истиқболли йўналишларга қаратилди.

— АҚШнинг Миссури штатида 1999-2001 йиллари ижтимоий йўналишлар буйича магистратура босқичида таҳсил олдим, — дейди Ўзбекистоннинг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акмалжон Қўчқоров. — Ўзбекистонга қайтганимдан кейин Ташқи ишлар вазирлигида иш бошладим. Утган давр мобайнида шу тизимда ишлаб, элчи даражасигача кўтарилишга муваффақ бўлдим. Афсуски, утган йилларда собиқ “Умид” жамғармаси битирувчиларини қўллаб-қувватлашга тизимли ёндашилмади. Шу боис, чет элда ўқиган йигит-қизларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда тайинли иш тополмасдан яна хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан таълим соҳасини тубдан ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратилляпти. “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолияти янги шакл ва мазмунда қайта тиклангани бунинг исботи.

Бу жараёнда нафақат етук мутахассислар тайёрлаш, балки ду-

ненинг етакчи олий ўқув юрларида таҳсил олиб, ҳозир чет элда ишлаётган, юрагида Ватанга садоқат туйғуси жўш урган инсонларни юртимизга қайтариш ҳам устувор вазифалардан бирига айланди. Шу маънода, маъзур халқро конференциянинг ўтказилиши оламшумул воқеадир.

Анжуманда иштирок этиш учун дунёнинг турли давлатларидан келган юрдошларимиз Ўзбекистонда вазирилик ва идораларида фаолият юритаётган халқро конференциянинг ўтказилиши оламшумул воқеадир.

Анжуманда иштирок этиш учун дунёнинг турли давлатларидан келган юрдошларимиз Ўзбекистонда вазирилик ва идораларида фаолият юритаётган халқро конференциянинг ўтказилиши оламшумул воқеадир.

шишдек эзгу мақсадларга қаратилди.

100 нафарга яқин иштирокчи қатнашган инвестиция шуббаси йиғилишида “Эл-юрт умиди” жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Адҳам Бекмуродов Ўзбекистон билимли ёшларининг янги, илгор фикр ва ғояларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини қайд этди. Шу боис, собиқ “Умид” жамғармаси битирувчиларининг тақлиф ва тавсияларига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади.

Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов, халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Ҳўжалиевлар раислигидаги секция йиғилишлари ҳам расмийтадан қатнашди. Қатнашчилар орасида Буюк Британия, АҚШ, Германия каби ривожланган давлатларда таҳсил олган, айни пайтда хорижда истиқомат қилаётган юрдошларимиз фаоллиги сезилиб турди. Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини туя бошлаган ватандошларимиз томонидан аниқ тақлиф ва тавсиялар, жойи келганда эътирозли фикрлар янгради.



Сайловнинг якуний натижаларига кўра, ЎзХДП 22 депутатлик ўрнига эга бўлди

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ САЙЛОВЛАР ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ушбу сайловлар Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, сиёсий-хуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган кенг қўламли, жадал ислохотларнинг узвий қисми-дир. Бу йилги сайловларга тайёргарлик ишлари бундан икки йил аввал бошланган эди. Сайлов қонунчилиги тубдан янгиланиб, миллий таъриб ва халқаро стандартларга мос Сайлов кодекси қабул қилинди.

Сайлов кодексига сайлов жараёни иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари кенгайтирилди. Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали сайлов жараёнларини бошқариш тизими йўлга қўйилди. Сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишнинг барча босқичлари очиқлик, ошқоралик ва шаффофлик асосида ўтказилди.

Сайловларни нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Европа Кенгаши, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Туркий тилли давлатлар кенгаши каби ўн та халқаро ташкилотдан ҳамда эгилликка яқин давлатлардан 825 нафар халқаро кузатувчи ҳамда маҳаллий ва хорижий мамлакатлар йирик оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 155 нафар вакиллари бевосита кузатиб борди.

Кўп миллионли сайловчилар, сайловларга ташриф буюрган халқаро кузатувчилар ушбу сайловлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва янги Сайлов кодексида ҳамда халқаро стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтганлигини эътироф этмоқда.

Сайловларнинг узига хос жиҳатларидан яна бири сайловчиларнинг фуқаролар масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларга дахлдорлик тўғрисида янада ошанглиги билан боглик. Бу йилги сайловларда чет элдан кўришларимиз билан қўшиб ҳисоблаганда 13 миллион 963 минг 627 сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сонининг 67,8 фоизини ташкил этди.

150 минг сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Сайловларда хорижда

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун биринчи марта овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ваколатхоналаридан расман рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқароларига сайловларда қатнашар эди. Қирққа яқин мамлакатда ташкил этилган эгиллик бешта сайлов участкасида 112 минг 411 сайловчи овоз берди.

2019 йил 25 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан 125 сайлов округидан номзодлар Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган деб топилиб, рўйхатга олинди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 42 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 34 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 20 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 18 нафар, Ўзбекистон Экологик партиясидан 11 нафар депутатга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати қоғони берилди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида тақрорий овоз бериши ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов участкасида 25 сайлов округида биринчи турда голиблар аниқланмаганлиги учун, яъни бирорта ҳам номзод сайловчиларнинг 50 фоизидан кўп овозини олмаганлиги сабабли ушбу сайлов округларида овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган номзодлар ўртасида тақрорий овоз бериши ўтказиш 2020 йил 5 январь кунига белгиланди.

Мазкур қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 5 январьда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов участкасида 1 минг 730 сайлов участкасида тақрорий овоз бериш ўтказилди. Ушбу сайлов участкаларида 3 миллион 147 минг 79 фуқаро Сайловчиларнинг янада электрон рўйхатига киритилган бўлиб, улардан 1 миллион 978 минг 48 нафари тақрорий овоз беришда иштирок этди.

Сайловчиларнинг парламент сайловларида фаол иштирок этгани фуқароларимизнинг сиёсий-хуқуқий маданияти юксалиб, янгиланаётган Ўзбекистонда янгидан шакллантирилаётган парламент сайловларида баёрақ эмасликларини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган кенг

қамровли, одилона ва инсонпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлашларининг яна бир исботи бўлди.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайлов ўтказувчи 95 сайлов округидаги 1 минг 104 сайлов участкасида ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 587 сайлов округидаги 1 минг 117 сайлов участкасида тақрорий овоз бериш бўлиб ўтди. Сайлов кодексининг 59-моддасига асосан тақрорий овоз беришда иштирок этган сайловчилар овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Тақрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

Тақрорий овоз бериш жараёнини депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан жами беш мингдан ортиқ кузатувчи кузатиб борди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилган мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда ҳудудий сайлов комиссияларида аккредитациядан ўтган маҳаллий журналистлар сайловлар жараёнини фаол ёритиб бордилар.

Тақрорий овоз беришда иштирок этган 50 номзоднинг 15 нафарини Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан, 11 нафарини Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан вакиллари, 10 нафарини Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан вакиллари, 9 нафарини Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан вакиллари ҳамда 5 нафарини Ўзбекистон Экологик партиясидан вакиллари, уларнинг 18 нафарини хотин-қизлар ташкил этди.

Сайловнинг якуний натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 53, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 36, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 24, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 22, Ўзбекистон Экологик партиясидан 15 депутатлик ўрнига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига сайланган 150 депутатнинг 48 нафари эки 32 фоизини хотин-қизлар, 39 нафарини эки 26 фоизини олдин ҳам Қонунчилик палатаси депутати бўлганлар ташкил этди. Депутатларнинг 9 нафари эки 6 фоизи 30 ёшга, 97 нафари эки 65 фоизи 30 ёшдан



50 ёшгача бўлганлар ҳамда 44 нафари эки 29 фоизи 50 ёшдан катта ёшдагилар. Энг ёш депутат 26 ёшда. Энг ёши улуг депутат 71 ёшда.

Ўзбек миллатига мансуб депутатлар 130 нафар эки 87 фоиз, бошқа миллат ташкил қилади. Улардан қоралқоқ ва рус миллатига мансублар 5 нафардан, қозоқ ва тожик миллатига мансублар 3 нафардан, қорейс миллатига мансублар 2 нафарни ҳамда 1 нафардан туркман ва киргиз миллатига мансуб депутатлар ҳисобланади.

2019 йил 10 декабрь куни янги тақрирда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасида Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия эки тенг микродорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилиши белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сайлов кодексига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олади.

Нурилло НАСРИЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Шоҳиста ТУРҒУНОВА,  
51-Чортоқ сайлов округидан  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасига сайланган  
депутат.

— 2019 йил жуда замунли ва самарали бўлди. Йил бошида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлишини, сиёсий жараён қизгин курашларга бой тарзда ўтишини билардим-у, унда ўзим ҳам номзод сифатида иштирок этишни ўйлаб кўрмагандим. Доимий иш қўлларининг биринчи Халқ демократик партиясидан Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Йўлдошев кўнжроқ қилиб, маслаҳатли гап борлигини айтди. Кўришганимизда, сизни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодингизни кўрсатишчизми, нима дейсиз, деди. Аввало, менга камтарин фаолиятимга берилган эътибордан хурсанд бўлдим. Лекин масъулият, ишонччи оқлай оламани, деган хавотир хаёлимга келди. Мен кўп йиллардан буён ижодкорлигимда ишлаб келаётганимни, қонун ижодкорлиги алоҳида билим, кўникма талаб қилишини, бунга тайёр эмаслигимни айтдим. Шунда Абдурашид Йўлдошев ўзим фаолият олиб бораётган таълим тизимида қандай муаммолар борлигини сўради. Халқ этилиши лозим бўлган масалаларни санай бошлаганимда, кўнжроқимиз, сиз амалиётсиз, аҳолининг кўнжроқига гапларни, уларни ўйлантираётган камчиликларни яхши биласиз, бунинг өчимини ҳам қонунчиликка тақлиф бериб кирита олишингизга ишонман, деди.

Ўйга бориб, оиламиз катталари билан маслаҳатлашдим. Барчаси қўллаб-қувватлашди. Устозларим ишончимга ишонч қўшди, дагдда берди.

Рости, депутатликка сайланишимга ишончим катта эди. Негаки, Чортоқ туманида тахсил олаётган ўқувчилар ва уларнинг оилавий муҳити билан танишман. Шу туманда оддий ўқувчилардан бошлаб мактабга таълим мудирини, туман касабаси уюшмаси раиси вазифаларида фаолият юритдим. Яна бир ютугим устозларимнинг сайловолди ташвиқотида менга яқин кўмак бергани бўлди. Ҳар бир учрашувда улар ишонч билан сайловчиларни менга овоз беришга чақирди. Биласизми, сайлов кунини ҳам менда ҳаяжон йўқ эди. Саноқ жараёни бошланганини эшитганимда, ўзимни кўрмага жой топа олмай қолдим. Бу ҳаяжон мени ҳамон тарқ этгани йўқ.

Келгуси беш йилликда сайловчилар билан кўпроқ учрашиш, уларни дарду-ташвиқотларини ўзимники, деб билиб, оғирини енгил қилишга қатъий аҳд қилганман. Ҳар бир қабул қилинаётган қонун тўғрисида ишлаши учун ҳаётини асосларга эга бўлиши керак. Энг муҳими, мана шу. Янги сайланган депутатлар масъулиятини қанча чуқур ҳис этишсади ва янги парламент фаолияти ҳам шунга мос тарзда бўлади, деб ўйлайман.

### СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ

## Мактабгача таълим муассасалари

болажонларни ўз бағрига олди

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълимни ривожлантириш ва фаолиятини тақомиллаштириш бора-бора кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш чоратadbirlари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал бўлмоқда. Бу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йилда давлат-хусусий шерикчилик асосида 80 та ҳамда 15 та хусусий мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. 236 та оилавий нодавлат боғча ташкил этилди. 50 та муассаса реконструкция қилиниб, шинам ва кўркам даргоҳга айланди. Мактабгача таълим муассасасига болажонлар камрови 35 фоизга өтди. 2020 йилда бу кўрсаткичи 50 фоизга өтказиш кўзда тутилган.

Яқинда Сароисиё туманида 100 ўринга мўлжалланган "Адиба-Нозанин-Сожида" номли давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Термиз шаҳридаги 150 ўринли 14-давлат мактабгача таълим муассасаси эса болажонларга ҳақиқий янги йил тухфаси бўлди.

Замонавий ва кўркам масканлар қурилишига 6 миллиард 400 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Барча зарур шароитлар муҳайё этилган. Мўъжаз ўйин майдончалар барпо қилинган. Болалар рус ва инглиз тилларини мукаммал ўрганмоқда. Фан ва спорт тугарақлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай шароит ва имкониятлар фарзандларимиз ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга өтишида мустаҳкам пойдевор бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
журналист.

# ЎЗБЕКИСТОН ХДП БРИФИНГ ЎТКАЗДИ

Партия Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов сайлов ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан юқори даражада ташкил этилгани, барча партияларга кенг ҳамда тенг имкониятлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлади

Қайд этилдики, Халқ демократик партиясидан депутатликка номзодлар кўрсатишда ёшларни қўллаб-қувватлашга, хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий жараёнлардаги фаолигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Депутатликка номзодларимизнинг 48 фоизини аёллар ташкил қилди. Парламентга сайланган депутатларимизнинг 2 нафари ҳали 30 ёшга тўлмаган. Маҳаллий Кенгашларга сайланганлар орасида ҳам ёшлар анчагина.

Парламент ва маҳаллий кенгашлар сайлови якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, Халқ демократик партиясидан парламентга 18 нафар депутат сайланган эди. Тақрорий овоз беришда 9 та округдан 4 тасида партия номзодлари депутатлик ўринини қўлга киритди. Умумий натижаларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Халқ демократик партиясидан 22 нафар депутат сайланди. Шундан 11 нафари аёллардир. Депутатларнинг 3 нафари фан номзоди, 2 нафари фан доктори, мутахассислиги нуктаи назардан ёндашадиган бўлса, 6 нафари иқтисодчи, 6 нафари педагог ва 3 нафари шифокордир.

Сайловлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари учун бўлиб ўтди. Сайлов натижалари фақат парламентга эгилланган ўрин билан ўлчанмайди. Албатта, унинг ҳам ўзи ўрин бор. Лекин республика бўйича вакиллик ҳоқимиятидаги умумий депутатлик ўринларини ҳам ҳисобга



олиш кераклиги брифинг давомида алоҳида таъкидланди.

Агар умумий депутатлик ўринларини ҳисобласак, парламентга ва маҳаллий Кенгашларда 6 минг 720 депутатлик ўрни бор. Шундан дастлабки маълумотларга кўра, Халқ демократик партиясидан 1596 мингга яқин депутатлик ўринини қўлга киритди. Сайловда эришилган умумий депутатлик

ўрни бўйича иккинчи ўринда турибди. Масалан, Наманган вилоятидаги 430 та депутатлик ўриндан 142 тасини, яъни 33 фоизини Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар эгаллашди. Шундан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси учун 13 та депутатлик ўриндан 4 тасини (31 фоиз), халқ депутатлари вилоят Кенгашида 60 та депутатлик ўрни-

дан 20 тасини (33 фоиз) ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларидаги 357 та депутатлик ўриндан 118 тасини (33 фоиз) Халқ демократик партиясидан номзодлари эгаллади. Тошкент вилоятида 699 та депутатлик ўринидан 208 тасида (30 фоиз) партиядан кўрсатилган номзодлар сайланди. Шундан парламент депутатлиги учун кўрсатилган 13 та ўриндан 3 тасини

(23 фоиз) Халқ демократик партиясидан номзодлари эгаллашди. Вилоят Кенгашида эса 60 та депутатлик ўриндан 20 тасини (33 фоиз), туман ва шаҳар Кенгашларидаги 626 та депутатлик ўриндан 185 тасини (30 фоиз) партия номзодлари эгаллашди.

Партия фаолларининг фикрича, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласида амалдаги ҳужжатларда жуда кўп масалалар белгиланган. Бунга эришилмас, кўйида ислохотлар рўёбга чиқиши кийин бўлади, одамлар, халқимиз ҳаёти ва турмушида ўзгаришлар сезилмайди. Шунинг учун партия одамларнинг бевосита ҳаётига таъсир қиладиган, жойларда қонунлар, қарорлар, мезъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда қатъий ҳаракат қилади.

Партия Сайловолди дастурида парламентдаги фракцияси орқали бир қатор қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш режалаштирилган. Хусусан, аҳоли турмуш даражасини белгилашда, иқтисодий сиёсат ва давлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш жорий этишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа иқтисодий тўловларнинг тиримчилик учун етадиган энг кам миқдорини белгилашда халқаро ҳамжамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси тўғрисида қонун қабул қилишга эришиш мақсади қўйилган. Янги фракциянинг биринчи қонунчилик ташаббуси ана шу бўлади.

Ўз мухбиримиз



# Янги Ўзбекистонга муносиб бунёдкорликлар

# ТАШАББУС ОДАМЛАРНИ ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРАДИ

## Кўшработ туманида бир йил давомида 48 та қишлоқда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди

Кўшработнинг асосий ҳудуди бепоён дашту далалардан иборат. Одамларнинг асосий машғули – чорвачилик. Эндиликда тadbиркорлик билан шуғулланадиганлар ҳам кўпаймоқда. Аммо ишсизлар анчагина. Керагича иш ўринларини яратиш эса осон эмас. Қишлоқлар тарқоқ, туман марказидан узоқларда жойлашган. Тоғли худудларида сўлим масканлар кўп. Биламизки, фақат табиат гўзаллиги билан фаровон ҳаётга пойдевор кўйиб бўлмайди. Йиллар мобайнида бу ернинг зилло сувли булоқлари, тоғларнинг соф ҳавосига таъриф таснифлар келтирилди-ю, аммо аҳоли муаммолари эътибордан четда қолиб келди.

автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, савдо шохбчалари, давлат шерикчилиги асосида мактабга таълим муассасалари, нурунийлар чойхоналари, тикув цехлари, болалар майдончалари қуриш режалари тузилмоқда.

Жўшга етиб келганимизда қор анча кучайган, унинг қалинлиги эдик ботадиган даражада бўлиб қолганди. Ҳаял ўтмай ҳақиқий чўл бўри бошланди. Бўри мисол уялётган шамол қор

аҳоли хонадонлари замонавий талабларга мос равишда ўзгартирилди, 100 га яқин хонадон таъмирланди, бепул қурилиш материаллари билан таъминланди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев айтганидек: "Биз ўз фаолиятимиз билан энг аввало, халқимизни рози қилишимиз керак. Агар бизнинг фаолиятимиздан халқимиз рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади".

Мутахассислар туманимизда "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасидаги амалий ишлар учун 110 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани ҳақида маълумот беришяпти. Бу бюджет маблағлари, хомийлар саховати, халқ ҳашарлари ва бошқа тушумлар йиғиндисидир. Бундан англашмадики, юртимизда ажойиб ташаббуслар ҳамisha маъқулланади, кўллаб-қувватланади, одамларни бир мақсад сари бирлаштиради.

### ОҚТОВ ВА ҚОРАТОВНИНГ БУГУНГИ ҚИШЛОҚЛАРИ

Кўшработнинг энг чекка худудларидан бири – Жўш қишлоғида неча авлод вакиллари яшаб ўтди. Аммо уларнинг бирортаси аҳолининг фаровон яшаш, қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун аризулик эътибор қилинганни ёки гамхўрлик кўрсатилганини юртинг оғалари ҳам эслай олмади, одамлар шу пайтгача бор ҳолича яшагача мажбур бўлди. Аммо қанчалик қийналишмасин, маҳаллий аҳоли ота-боболаридан қолган маконни ташлаб, шарт-шароитлари дурустроқ жойларни ора қилмаган. Улар "Ватан остонадан бошланади" нақлини ёдда тутган ҳолда она қишлоқларини йиллар мобайнида ўз кучлари билан обод этиш, яшаш шароитларини яхшилаш йўлида курашдилар.

Қаровсиз йўллардан машина тугул, пиёда ҳам юролмасди. Озгина ёғингарчилик бўлди, хар қадамда лойга ботган техникалар, от-араваларга кўз тушарди. Уларга кўмакка отланадиган одамлар эса тизза бўйи балчиқ кечигача мажбур эдилар. Айниқса, қишнинг қарқатони жўшлиқлар учун азоб эди. Ёзда эса улар чанг-тўзонда ҳаёт кечирарди. Газ, электр ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларидаги муаммоларни қўя турайлик, аҳоли оддий ичимлик сувига ташна эди. Қишлоқда касал бўлиб қолган киши туман ёки вилоят марказига боришга мажбур бўларди.

Туман маркази — Кўшработ шаҳарчасидан Жўш қишлоғи томон йўл олганимизда қор учунлаб турарди. Аммо бу ҳолатнинг машина ҳаракатига деярли таъсири йўқ эди. Хайдовчи йигит гапга чечанроқ, воқеа-ҳодисаларга анчагина эътиборли экан. Бизни йўлда асло зериктирмади. "Обод қишлоқ"да нималар қилинаётгани-ю, қишлоққа қайси раҳбарлар келиб-кетганига айтиб берди.

Мен эса хайдовчи сўзларини тинглаш асосида Оқтов ва Қоратов ўртасида ястаниб ётган текисликлару қишлоқларни кузатаман. Йўл-йўлаккай қўлимдаги туман ҳокимлиги томонидан берилган маълумотнома билан танишаман.

Жўш қишлоғи ва унга туташ бўлган худудлардаги мавжуд хонадонларда истиқомат қилувчи аҳоли тўлиқ хатловдан ўтказилди. Худуддаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинида 3396 та хонадон, ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар, улардаги барча таъмирталлаб турар ва нотурар жой иморатлари тўсиқ, девор ва панжалар билан ўралди. "Обод қишлоқ" дастури бўйича худуддаги ободонлаштириш, кўламазорлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида туман ташкилотлари раҳбар ва ходимларидан иборат масъул ишчи гуруҳлар тузилди.

Дастур доирасидаги юмушларга Фавақуллода вазиятлар вазирилик ҳарбий қисми қурилиш баътаънининг 150 нафар аскари жалб қилинди. Улар ижтимоий соҳа объектларини қуришда, кам таъминланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар хонадонларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларида, кўчаларда ташкил этилган ободонлаштириш юмушларида фаол иштирок этишди.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан жами 23950 нафар фуқаро рўйхатга олинди, шундан 14012 нафари, яъни 58,51 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик жараёнида жами 3960 нафар фуқарога турли касаллик ташхислари қўйилиб, даволашга тавсия қилинди. Улардан 2881 нафари амбулатор шароитда даволанди, 1079 нафар хасталикка дучор бўлган кишига муолажа олиш учун туман, вилоят ва республика даволаш муассасаларига йўлланmalar берилди.

Жўш қишлоғини кесиб ўтган сой устига қурилган Нурута асосий йўли билан "Жўш ота" МФЙ марказини боғловчи эни 6 метрлик кўприк реконструкция қилиниб, яна 4 метрга кенгайтирилди. Ушбу сой устида "Жўш ота" билан "Оқмачит" МФЙларини боғловчи пиёдалар учун мўлжалланган кўприк барпо этилди.

Тепалик қишлоғида мактабга бориш йўлида боғловчи кўприк қурилди. Катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, йўл четларига 2800 дона гуҷум, 910 дона қарагай, 1000 дона арча, 700 дона шумтол, 450 дона алант, 105 дона япон сафораси каби жами 5965 тул манзарали даракт қўчатлари экилди.

Газ таъминоти корхонаси томонидан 3396 та хонадон ўрганиб чиқилди ва уларнинг 942 таси суулотирилган газ балонга эҳтиёжи борлиги аниқланди. Барча хонадонлар газ билан таъминланди. Шунингдек, аҳолига ўз вақтида газ балонларини ёқтириб бериш мақсадида бу ерда газ қўйиш шохбачасини қуриш лозим, деб топилди.

Худудда электр таъминотини яхшилаш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, истеъмолчилар кўпайиши ҳисобига қуввати пасайиб кетган 6 та трансформатор



ўрнига қуввати баландроқ трансформатор ва яна 8 та қўшимча трансформатор ўрнатилди.

"Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ томонидан Жўш ота массивида намунавий лойиҳалар асосида икки сотиҳли, бир қават, уч хонали 10 та уй-жой қурилди. Бундан ташқари, худудда яна 75 та имтиёзли кредит асосида арзон уй-жойлар қурилмоқда.

Жўш худудида ижтимоий соҳа объектларига ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, инвестиция дастури асосида туман тиббиёт бирлашмаси Жўш филиалининг болалар ва ички касалликлар бўлимига, тез ёрдам хизмати биноси янгидан қурилди, тоза ичимлик суви билан доимий таъминлаш мақсадида сув иншооти барпо этилди.

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Чиммос қишлоғида маҳалла фуқаролар йиғини маркази, "Жўш ота" МФЙ худудида 14-сонли ички ишлар бўлини маси биналарини қуриш, халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг уй-музейини реконструкция қилиш ва Тош қишлоғида маҳалла фуқаролар йиғини маркази биносини барпо этишга 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шунингдек, "Чиммос" МФЙда 50 қатновга мўлжалланган ҚўВП барпо этилди. Тура қишлоғида 75 ўринли мўлжалланган, Жўш ота маҳалласида 235 ўринли мактабга таълим муассасалари қурилди.

Вилоят бозорлар уюшмаси томонидан "Жўш деҳқон бозори" замонавий кўринишга келтирилиб, бу ерда сотувчи ҳамда харидор учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Бозор қурилиши учун жами смета харажатлари 2 миллиард сўмин ташкил этиб, уларнинг 500 миллион сўми бозорлар уюшмаси томонидан, 250 миллион сўми ҳокимийлик маблағлари, қолган 1 миллиард 750 миллион сўми бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилди.

"Обод қишлоқ" давлат дастури бўйича "Жўш ота" МФЙ худудидида масжиднинг қайта қурилиши ҳамда Жўш истироҳат боғининг барпо этилишига ҳомийлар катта ҳисса қўйишди. 9 та маҳалла фуқаролар йиғинининг қишлоқ ва гузарларида сунъий қопламали стадион қуриш учун 5 нафар ташаббускор тadbиркор аниқланиб, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди ва яна 5 та шундай стадион барпо этиш режалаштирилган. Ташаббускор тadbиркорлар томонидан

парчаларини чирпирак қилиб учирай, чор-атроф бутунлай оқликка чулғаниб, еру кўкни ажратиш ҳам мушкул бўлиб қолганди. Ҳатто, виқорли тоғ чўққилари билан бепоён яйловлар ҳам қўшилиб кетгандек эди.

Янги қурилган иншоотлардан бирининг ёнида бир гуруҳ одамлар билан суҳбатлашавтган туман ҳокими Ҳиммат Оқбўтаев билан учрашиб қолдик.

### ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛСА, ЯРАТГАН ҲАМ БИЗДАН РОЗИ БЎЛАДИ

– Бу худудлар табиати ўзгача, – дейди туман ҳокими, – лекин қиш қори билан гўзал-да, қолаверса, дашт худудида ёғингарчилик қанча кўп бўлса, шунча яхши. Ота-боболаримиз айтганидек, қор кут-барака, эртаги мўл-кўчилигимиз манбаи. Қўшработ халқи ёлғир-қорни хуш кўради, ёғингарчилик бўлган пайтда келган меҳмонни ҳурмат қилади, қадами хосиятга келди, дейди.

Ҳоким "Обод қишлоқ" дастури асосида бажарилган ишлар ҳақида сўзлаб берар экан:

– Мухтарам Юртбошимиз ташаббуси билан "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ҳамда "Обод марказ" дастурларининг қабул қилиниши, унинг жойлардаги ижроси мамлакатимизнинг кўпгина худудларидаги аҳоли турмуш тарзини ўзгартириб юборди. Туманимиздаги ҳақиқий аҳвол Президент Администрацияси вакиллари, Бош вазир ва вилоятимиз ҳокими иштирокида ўрганилди. Бунинг натижасида биргина Жўш қишлоғи эмас, балки 9 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 48 та қишлоқда дастурлар асосида ижтимоий аҳолини ўзгартириш, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича режалаштирилган белгилаб олинди.

Мазкур чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимимиз Эркинжон Турдимов раҳбарлигида вилоят ҳамда туман штаблари тузилди. Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан қатъий топшириқлар берилди ва шу асосда Жўшда кенг кўламли ободончилик ва қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Хусусан, 130 километр масофадаги қиришга мўлака рўкисиз йўлга тош-шағал тўкилиб, яхшиланди. 50 километрдан ортиқ йўлга асфальт ётқизилди, 2 та автобекет қурилди.

Худуддаги барча аҳоли республика ҳамда вилоятдан келган тажрибали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек,

Бугун Кўшработда раҳбарлар, фаоллар ободончилик, фаровонлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини айнан ана шу эзгу мақсад сари йўналтиришган.

Жўш ва унинг атрофидаги қишлоқлардаги ободончилик ишлари билан танишиш жараёнида бу ишга муносиб ҳисса қўшаётган туман ташкилотлари раҳбарлари вакиллари, фуқаролар билан суҳбатлашдик.

### АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЎЗГАРИШЛАР

Шавкат Жониқулов, "Нуруний" жамгармаси туман бўлими раиси:

– Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, узоқ қишлоқларда фуқаролар учун барча шарт-шароитларни яратиш беришга ҳаракат қилинмоқда. Натижада одамларимиз Президентимиз олиб бораётган бугунги сиёсатдан қониқиб ҳосил қилаяпти. Улар ўзларига кўрсатилаётган хизмат турларининг сифатида мамнун бўлишмоқда.

Туманимизнинг энг чекка ва энг кўп аҳоли яшайдиган худудларидан бири – Жўшда кейинги бир йилда асрларга татиғулик ишлар амалга оширилди. Бу ерда "Обод қишлоқ" дастури асосида бутун йил мобайнида бажарилган бунёдкорлик ишлари бошида туманимиз раҳбарлари билан бир қаторда нурунийларимиз ҳам туришди. Улар ажойиб дид сўзлари, эзгу мақсадлари билан ободонлаштириш юмушлари иштирокчиларини руҳлантиришди, савоб ишлар сари чорлашди.

Мен тумандаги нурунийлар билан доимо мулоқотда бўлатман. Улар кўп ҳолларда инсон манфаатлари, Ватанимизда умргузаронлик қилаётган барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш, фаровон турмуш ҳақида сўзлашди. Бундай эзгуликлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлангани ҳақидаги фикрларни эътироф этишди.

Бугун қишлоқларимиз фуқаролари атроф-тарафдаги ўзгаришлардан қувонмоқда, жуда қисқа вақтда бунёд этилган турар-жойлар, ижтимоий объектлар биналаридан фойдаланмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, Президентимизнинг одилона сиёсати, ташаббускорлиги, халқимизнинг бунёдкорлиги билан боғлиқ эканини ҳис қилишмоқда.

Жўш ва унинг атрофидаги жами 38 та қишлоқда "Обод қишлоқ" дастури асосида кейинги бир йил мобайнида амалга оширилган ишларни оқсоқолларимиз мўъжизага қиёслашяпти. Улар бу эзгу ишлар бошида турганларини, энг аввало, Президентимизни дуо қилишяпти. "Жўш эли, уларнинг ота-боболари бундай ободончилик, фаровонликнинг ўтган 100 йилда ҳам гувоҳи бўлишмаган", дейишяпти.

### ЗАМОНГА МОС МАКТАБЛАР

Шавкат Қўшбоқов, туман халқ таълими бўлими мудири:

– Бугун мамлакатимизда халқ таълими тизими ривожидида янги босқичга ўтиш жараёни кечмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида халқ таълими тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Бугун Кўшработда, Жўш қишлоғи худудида ҳам амалга оширилаётган ишлар айнан шу ислохотларга монанд ва мосдир.

Масалан, 2019 йилда "Обод қишлоқ" дастури бўйича 32-умумий ўрта таълим мактабида 1 миллиард 802 миллион сўм маблағ ҳисобига 140-ўринли қўшимча бино қурилди. 41 ва 48-мактабларда ҳам 140-ўринли қўшимча бино барпо этилди. 26-мактабда ўқувчи ўринлари сони 240 тага кўпаядиган бўлди. 55-умумий ўрта таълим мактаби эса мукаммал таъмирланди. Бугун уларнинг кўринишига қараб кўз қувнайди. Ўқитувчилар, ўқувчилар, оналар яратилган шароитлардан хурсанд.

Бу "Обод қишлоқ" худудидидаги ишларимиз шу билан тугатилди, дегани эмас. Ҳозир яна 4 та мактабда қўшимча синфхоналар қуриш, мавжудларини таъмирлаш давом эттирилмоқда.

Ҳозирги кунда мактабларимизда ўқувчи-ёшларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари, етук кадрлар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди, ўқув дарсликларини, компьютер техникалари, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

### БОЛАЛАР БАХТИНИ ЎЙЛАБ...

Баҳодир Абдувоҳидов, туман мактабга-ча таълим бўлими мудири:

– Туманимизда мактабга таълим муассасаларига узоқ йиллардан буён деярли эътибор берилмасди. Очиги, яқин йилларда қишлоқларимизда янги боғча қурилиши учун бюджетдан маблағ ажратилганини ёки бу соҳага саховатли хомийларнинг назар ташлаганини қўпчилик эслай олмас ҳам керак. Шу боис ҳам 3-7 ёшдаги болаларни мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси бугун бизни мўлқат қониқтирмайди. Бу эса барча маҳаллаларда, қишлоқларнинг ҳар биринида болалар боғчалари фаолиятини йўлга қўйиши, нодавлат, оилавий, давлат-хусусий шериклик асосида мактабга таълим муассасалари ташкил этишни тақозо этарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги қарорига асосан туманимизда бир неча мактабга таълим муассасалари қурилиши "Обод қишлоқ" дастурига киритилди. Жумладан, "Жўш ота" МФЙда 9-мактабга таълим муассасаси қурилди. 100 ўринга мўлжалланган ушбу боғчада 3 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. "Заркент", "Оқмачит", "Қўштамғали" МФЙларида ҳам шундай ишлар амалга оширилди. Шунингдек, туманда "Обод қишлоқ" дастури асосида яна 4 та давлат-хусусий шерикчилик асосида боғчалар иш бошлаганини, худуддаги барча мактабга таълим муассасаларида болажонлар учун етарли шарт-шароитлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Туманимиз маҳалла кенгаши бўлими раҳбари Нурмухаммад Болмонов, тиббиёт бирлашмасининг Жўш филиали мудири Ражаббай Мама-товлар ҳам суҳбат давомида Жўшдаги туз ўзгаришлар ҳақида мароқ билан гапириб бердилар.

Янги йил арафасида "Обод қишлоқ" дастури асосида барпо этилган масканлардан бири – Жўш истироҳат боғида катта байрам томошалари уюштирилгани одамлар кўнглига янада заъф бағишлаганини таърифлашга қалам оҳиз. Элимиз ардоғида бўлган санъаткорлар ҳам жўшлиқлар хизматида бўлди.

Ҳа, меҳнат қилган, умуман, ҳар бир киши дам олишга, мароқли ҳордиқ чиқаришга ҳақли. Жўш қишлоғи аҳолиси энди узоққа бормасдан, ўз худудларида маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлишди.

Чорвадорлар юрти бўлган Кўшработнинг энг чекка қишлоқларида кейинги бир йил ичида юз берган ўзгаришлар таърифини биргина мақолада ифода қилиш қийин. Бу янгиланишлар ҳали кўплаб бадий асарлар, ҳужжатли ҳикоялар, ижодий ишлар учун асосий мавзу бўлиб қолади.

Абдурашул САТТОРОВ, журналист.



Кейинги уч йил ичида ҳаётимизда юз берган энг муҳим ўзгариш – ижтимоий фаоллик, жамоатчилик фикрининг озод бўлиши десак, хато бўлмас.

# МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

## БУГУННИНГ ГАПИ

**Тарих сабоқлардан иборат. Ҳар бир миллат ўзининг ўтмиши, тарихий илдизлари, ота-боболари босиб ўтган йўлни яхши билиши, асрлар ва даврлар синовидан ўтган урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаб, бойитиб, келажак наслларга етказиши лозим. Бунга амал қилмаслик тарихий хотиранинг заифлашувига олиб келади, тараққиёт йўлини тўсади.**

Инсон неча минг йиллардан бери ягона орзу – тинч-тотув, эмин-эркин яшашга интилади. Миллий тараққиётга юз тутган ҳар бир халқ, табиийи, шу ниятларига эришиш учун режалар тузади. Мен кўрмаган рўшноликларни фарзандларим кўради, улар мендан бахтли яшайди, дея умид қилади. Бу умид авлодлардан-авлодларга ўтади. Турмуш тарзи яхшиланиши сари эса, хоҳиш-истак, маънавий-маърифий эҳтиёж, орзу-ҳаваас тўхтовсиз ортиб боради.

Собиқ тузум таназзули бошланган пайтлари ҳаётимиз, қаддимиз, турмуш тарзимиз қандай эди, бошимизда қандай кўргуликлар бор эди, миллат сифатида шаънимиз, гурӯримиз, тилимиз, динимиз не аҳволда эди-ю, бугун қай даражада? Узоқ ўтмишда эмас, шўролар салтанати пайтида ким эди, бугун кимиз? Қисқа вақт ичида дунёнинг изчил ривожланган тинч-тотув давлатларидан бирига айландик. Жамият янгиланди, онг-тафаккуримиз, турмуш тарзимиз ўзгарди. Ўзбекистон ўзининг бугунги янги йўли, янги сивасати билан дунёнинг кўлаб мамлакатларига ибрат намунаси бўлиб турибди.

Ҳеч бир киши бу ёруғ оламга кимгадир зугум қилиш, уйини бузиш, бойликларини эгаллаш ниятида келмайди. Аммо тақдир ўз инъомларини одамларнинг хатти-ҳаракатига, мақсад-муддасига, имон-эътиқодига, шунингдек, эзгу амалларига қараб тақсимлайди чоғи, кимдир илгарилаб кетади, кимдир қисмат чорраҳаларида туриб қолади. Бундан англашадиган сабоқ шуки, озоқлик, ҳурликка эришиш учун, энг аввало, миллатлараро тотувлик, муштарак мақсад йўлида яқинлик, бир лаҳза бўлсин, ҳушёрлигини йўқотмаслик, маънавий тарбияда маъмуллик юзга келишининг олдини олиш зарур бўлади. Ўзбекистон ўзининг бугунги банд даражасига айнаи шу йўлдан бориб, миллий ва умуминсоний қадриятлар хурматини жой-жойга қўйиб эришди.

Дунёда шундай қудратли давлатлар борки, ерости ва ерусти бойликлари, жўғрофий жойлашуви, муътадил табиати ва бошқа шароитлари ҳисобига тақчиллик нималигини билмайди. Аммо ҳаётда инсоннинг қалби, онг-тушунчаси, маънавий олами билан боғлиқ муаммолари ҳолатлар ҳам юзага келадими, улар олдида беҳисоб бойлик, куч-қудрат ва бошқа имкониятлар ожиз туриб қолади. Ўзбекистон Президенти Шавкат

Мирзиёев инсон манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш, ҳар бир фуқаронинг бу ёруғ оламда ўз ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш, одамларни тинглаш, ҳаммаша эл-юрт ичида бўлиш, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутиш, қонун ва ижтимоий адолат устуворлигини таъминлаш йўлини танлади. Дунё ривожининг бугунги шиддати шундайки, тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очмай, инновацион ғоялар ва технологиялардан унумли фойдаланмай туриб, кўзланган юксак марраларга етиш қийин. Шу боисдан ҳам мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, ижтимоий ҳимояни янада қучайтириш, таълим-тарбия асосларини янгилаш, яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйиш кейинги уч йил ичида давлатимиз сивасатининг, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгиланди.

Фикр жамиятини ривожланишда, ҳаракатда, соғлом ҳолатда ушлаб туради. Фикр фикрдан унади. Фикрлар хилма-хиллиги ҳаётимизни тараққиёт сари йўналтиради. Фикрсилик дунёнинг катта бир қисмини титратиб турган шўролар салтанатини инкирозга олиб келди. Шўро мафқурачилари "Давлат-жамият-шахс" муносабатларини чақалштириб, одамлар онига "Давлат бошқа, жамият бошқа, халқ бошқа", деган сохта тушунча синдиришди. Бу билан улар "Давлат – бу ўз номи билан давлат, сивасат ҳам шундай, сен улар ишига аралашма, тинчгина юравер", демоқчи бўлишди. Шундай бўлди ҳам. Бугун барча-барчамизга, ҳатто энди-энди вояга етган фарзандларимизга ҳам аёни, давлат – биз, ўзимиз, жамият ҳам ўзимиз. Бугунги кунимиз, эртанги ҳаётимиз қандай бўлиши ўз кўлимизда. Шундай экан, кейинги уч йил ичида ҳаётимизда аз берган энг муҳим ўзгариш – ижтимоий фаоллик, жамоатчилик фикрининг озод бўлиши десак, хато бўлмас. Матбуот, радио-телевидение бироз сусткашлик, эҳтиёткорлик билан бўлса-да, журъатсизлик иллатида халос бўлаётгани, воқеа-ходисалар моҳиятига чуқур кириб бораётгани ҳар жиҳатдан қувонарлидир.


Фикр ривожига нима туртки беради? Жамият ҳаётидаги умумий эркинлик, маънавий олами билан боғлиқ муаммолари ҳолатлар ҳам юзага келадими, улар олдида беҳисоб бойлик, куч-қудрат ва бошқа имкониятлар ожиз туриб қолади. Ўзбекистон Президенти Шавкат

муаммоларнинг адолатли ечимларини топиш имконияти шунча ошади. Ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлган, бошқаларга эмас, энг аввало, ўзига, виждонига ҳисобот беришга одатланган, ўз ҳисоботидан биринчи галда ўзи қониқиш ҳосил қиладиган жамият ҳеч қачон кам бўлмаган ва бўлмайдми ҳам.

Дунё тарихида машҳур давлат ва жамоат арбоблари каби, машҳур нуқт, машҳур маъруза ва фақулдода муҳим баёнотлар ҳам бўлади. Миллат, жамият ривожини, эл-юрт раванқига, мураккаб муаммоларни ҳал қилишга, давлатлараро муносабатларнинг ойдинлашувига хизмат қилган бундай чиқишларда баён қилинган қамровли таҳлил орадан неча йиллар ўтса-да, давлатчилик тарихи билан ҳамоҳанг яшаб келаверилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбарига туриб сўзлаган нуқти, шубҳасиз, моҳият эътибори ва таҳлил қўламини кўра ана шундай муҳим тарихий ҳужжатлар сирасига киради.

Бугунги мураккаб вазиятда оламшумул ихтиролар билан бирга, инсон ҳаётини, она заминини, сув ва ҳавонини покиза сақлаб қолиш билан боғлиқ мураккаб муаммолар ҳам юзага келаятгани сир эмас. Бу муаммолар у ёки бу мамлакатга эмас, жами инсониятга баробар тааллуқли экан, ечим йўлларини биргалашиб, ақл-идрок ва яхши қўшничилик тафаккури билан қидиришдек қадим шарқона одоб зарур бўлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси дунё аҳлини мана шу заруратдан огоҳ қилди.

Бугун дунёнинг ижтимоий-маънавий қиёфасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳар мамлакатларида йирик сановат корхоналари ишчиларини замонавий роботлар билан алмаштириш жараёни бошланди. Инсон тафаккури маҳсули бўлмиш компьютерлар, интернет ва бошқа замонавий алоқа воситалари ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Интернет орқали биз олис минтақаларда бўлаётган энг сўнгги воқеалар, ходисалар, оламшумул янгиликлардан муттасил хабардор бўлиб турибмиз. Дунёнинг энг чеккасида содир этилган воқеа, айтилган бир гап шу оннинг ўзида бутун ер юзига тарқалмоқда. Космосга учирилган сунъий йўлдошлар фазонинг энг олис нукталаридаги юлдуссимон жисملар, метеоритлар қандай траектория бўйлаб ҳаракат қилаётгани, Қуёш системасидан ташқарида қандай жараёнлар содир бўлаётганини кузатиб турибди. Аммо ҳар қандай тараққиёт, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, одамларнинг турмуш тарзини яхшилаши, муаммоларини ҳал қилиши керак эмасми?! Таассуфки, биз бугун бу ютуқлар ер юзиде ҳаётини, тирикликни, табиий бойликларни сақлаб қолишга эмас, оммавий қиргин қуролиларини тақомиллаштиришга ҳам хизмат қилаётганини кўриб турибмиз.



Компьютер инсон миёсидаги фикр-иқий бошлади. Япониялик олимлар уй шароити билан боғлиқ турли топшириқларни рисоладагидек бажари оладиган – кир ювадиган, уйни тозалайдиган, қўриқлайдиган, алла айтиб болани ухлатадиган, кайфиятинингизни кўтариш учун рақсага тушадиган роботларни аллақачон яратиб қўйишди. Ўзбекистонда эса "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган, бир қарабда гоят оддий, аммо замирида бу ёруғ оламнинг мангу ҳақиқати, фусункор фалсафаси мужассам бўлган таъмилий устуворлик қилмоқда. Одамлар давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари одамлар учун ишлаши керак, деган даъват жамият аъзоларига янги куч-қувват бахш этди. Давлатимиз раҳбарининг халқимизга Янги йил табригида таъкидланганидек, 2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг қўламли ислохотлар давом этади. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қўлай муҳит, янги иш ўринлари яратилади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар, асосатлари ҳаётимизга кўпайди. Одамларнинг яшаш шароити, коммунал-маиший хизмат сифати яхшиланади, арзон ва қўлай уй-жойлар қуриш бўйича бошланган ишлар кўлами кенгайди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишлар янги бошқича кўтарилади. Нуруний фахрийларга, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизга эътибор ва ғамхўрлик кучаяди. Тинчлик-тотувликни, жамиятда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш бундан буён ҳам асосий вазифа бўлиб қолади.

Истиқлол йилларида кечган умримизга, эришган ютуқларимизга танқидий кўз ташлаб, хато-камчиликларни ҳолис таҳлил қилиб, келгуси беш йиллик учун Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилганимиз, халқимизда ташаббускорлик, маъсулият, миллат ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайгани Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги бошқичага ўтаётганидан далолатдир. Дунёнинг жўғрофий жиҳатдан бир-бирига туташ неча-неча давлатларида диний ва ирқий можаролар авж олиб турган, уруш ҳаракатлари туфайли уй-жойидан, мол-мулкидан ажраган қочоқлар Европога оқиб келаятган бир пайтда Президентимизнинг "Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз", деган сўзлари ва бу улғу ниятнинг бошқича-бошқича амалга ошаётгани мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги янги мақомини кўрсатиб турибди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

## БИЛАСИЗМИ?

### ТЎЛОВ-КОНТРАКТ МИҚДОРИ

Ўқув йилининг иккинчи ярими учун ўзгариши мумкин



"Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори мувофиқ, 2020 йил 1 февралдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 679 330 сўм этиб белгиланди.

Шунга қўра, контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори (оширилган тўлов-контракт миқдори бундан мустасно) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа мутаносиб равишда жорий ўқув йилининг иккинчи ярми учун ўзгариши мумкин.

### ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМИ



**транспорт воситаси ҳужжатларини текшириш учун тўхташлари**  
— ЙПХ ходими томонидан транспорт воситаси ҳужжатларини текшириш учун тўхташларида, фақат ушбу ҳужжатларни текшириш жараёнида аниқланган қоидалар бузилиши бўйича чоралар кўради.

— Қоида бузилиши визуал кузатув ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда, ЙПХ ходими ҳайдовнига дастлаб содир этган қоида бузилишини тушунтириб, шундан сўнг ҳужжатларни текшириб, тегишли чоралар кўриши мумкин.

— Йўл ҳаракати катнашчилари йўл-патруль хизмати (ЙПХ) ходимлари билан муносабатларда куйидаги ҳуқуқларга эга:

— ЙПХ ходими томонидан тўхтатиш асослари ҳамда қоидаларнинг қайси бандини бузганлиги тўғрисида тушунтириш бериши талаб қилиши;  
— транспорт воситасини тўхтатган ЙПХ ходимидан ўзини таништиришни, хизмат гувоҳномасини кўрсатишни ва кўкрак нишон белгисини маълум қилишини талаб қилиши;  
— хизматни мобил видеокамерасиз олиб бораётган ЙПХ ходимига ҳужжатларни тақдим этмаслик;

— ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурilmага қайд қилиш (тақиқланган биле мавжуд ҳудудлардан ташқари);

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари транспорт воситаси кабинасидан чиқмасдан, ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатга киришиши;

— содир этган қоидабузарлиги қайд этилган махсус мослама натижалари билан танишиши;

— ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қиёслаш сертификатларини кўрсатишни талаб қилиши;

— ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтиришлар бериши;

— асосиз тўхтатиб турилмаслигини талаб қилиши;

— ЙПХ ходими томонидан транспорт воситасини ёки ундаги юкни ташқи кўздан кечириб жараёнида иштирок этиши;

— ўзи тўхтатилган ҳудудда ЙПХ ходими хизмат олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги дислокация кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиши;

— маъмурий баённома расмийлаштирилганидан сўнг ЙПХ ходимининг дислокацияси сақланаётган соф бўлими бошқидан дислокация ҳақида ёзма маълумот бериши талаб қилиши;

— ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва бошқа иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан ўз ҳисобидан нусха кўчириш ёки уларни фотосуратга олиши;

— ЙПХ ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, расмийлаштирилган маъмурий баённома устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши;

— ўзи гувоҳи бўлган ҳодиса ҳақида ЙПХ ходимига ҳаққоний маълумотни баён қилиши.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

## ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ҲАЁТИДАН

**Австралиялик бу инсон ҳақида кўп эшитганмиз. У қўлсиз-оёқсиз туғилишига қарамасдан дунёнинг таниқли мотивацион учрашувлар ташкилотчисига айланиб улгурган. Николас Вуичич ҳаётда матонат билан курашиб яшаб келмоқда. Ўзининг илғор ғоялари, кенг дунёқараши билан кўплаб асарлар яратмоқда, мотивацион учрашувларда кўнгли чўкиб қолган одамларга умид бағишловчи маърузалар қияпти.**

**Хоразмнинг Хонқа туманида ҳам матонатли бир қиз яшайди.**

Николаснинг ҳаёти ҳақида жуда кўп ёзилган, китоблар нашр қилинган. Уни дунёнинг қай бурчагига борсангиз ҳам матонат тимсоли сифатида жуда яхши танишади. Николасга ўхшаб кетадиган инсонлар Ўзбекистонда ҳам йўқ эмас. Улардан бири Хоразмнинг Хонқа туманида туғилиб вояга етган Нилуфар Аҳмедовадир.

Нилуфарнинг икки оёғи соппа-соғ бўлса ҳам, тақдир уни қўлсиз, бармоқларсиз дунёга йўллади. Қулиб турган юзларида ўзбекона латофат, кўзларида ҳаётга муҳаббат ва ишонч балқиб турган 21 ёшли бу қиз имконияти чекланган бўлишига қарамасдан жуда катта муваффақиятларга эришмоқда.

У болалиқдан сузишни жуда яхши кўради. Отаси Илҳомбой, гоҳ эса онаси Хурматовлар уни сузиш ҳавзаларига олиб бориб, сузиш бўйича машқлар ўтказишарди. Бу унга жуда асқотди. Ушанди улар Нилуфарнинг Паралимпия ассоциациясининг сузиш

мусобақаларида иштирок қилиб, 3 та олтин медални қўлга киритиб, 3 қарра Ўзбекистон чемпиони бўлишини хаёлларига келтирибдими, дейсиз.

Урганч давлат университети II босқич талабаси Нилуфар Аҳмедова жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. У Республика Ёшлар маркази Хоразм вилоят бўлимининг "Инклюзив таълим" тўғраги раҳбари. Шунингдек, у ҳар доим турли хил кўрик-танловларда иштирок қилиб, ўз билим-савияси, куч ва иродасини чиғирмадан ўтказишни яхши кўради.

2017 йилда у "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика биринчи танловиде иштирок қилиб, голий деб топилди, диплом билан тақдирланди. Утган 2018 йили эса Республика имконияти чекланган ёшлар ва болалар марказининг "Ҳаммаси ўз қўлинда" лойиҳасида фаол иштироки учун Ташаккурнома билан тақдирланди. "Ўзбекистонда



болаларни ижтимоий ҳимоя қилиши; миллий ва хорижий илғор тажрибалар" халқаро конференциясида фаол иштирок этди. Уша йили "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан

муқотланди. —Халқ демократик партияси менинг ҳаётимда катта аҳамият касб этади. Партияга аъзо бўлганимга бир йил бўлди. Партияимиз сафини меҳр-шафқатли, ўзгалар дарди-ташвиши билан қуйиб-

Эрнўлат БАХТ, журналист.



Юртимизда жаҳон чемпионлик камарлари учун жанглари ўтказса бўлади

# ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ – ЖАҲОН РИНГЛАРИДА

## Ўтган йил ҳам мамлакатимиз боксчилари учун галабаларга бой бўлди

Бугун дунёнинг кўп мамлакатлари бизга ҳавас билан қарамоқда. Ҳаваскор боксда Ўзбекистон терма жамоаси Осиё ва жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи бўлди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳам терма жамоамизга тенг топилмади. Ҳатто бир пайтлар биринчи рақамли терма жамоа бўлган Куба ҳам бизга ҳавас қиларди. Бокснинг ватани ҳисобланган Англия спортчилари ҳам бугун тажриба ва малака орттириш учун Ўзбекистонга келишмоқда.

Мамлакатимиз вакиллари профессионал боксда ҳам катта галабалар оstonасида туришибди.

**Бобур НАЖМИДДИНОВ,**  
бокс мураббийи:

— 2015 йилдан буён Жанубий Кореянинг «Cocky Buffalo» промоутерлик компанияси билан ҳамкорлик қиламиз. Ўзим 2017 йилдан буён ушбу компаниянинг боксчиларига мураббийлик қиламан. Ўзбекистонлик шогирдларим ҳам мен билан бирга. 2019 йилда режаларимизнинг деярли 90 фоизини амалга оширдик. Шогирдим Хусниддин Пулатов ярим ўрта вазн — 66 килограммда WBA Осиё чемпионлик камарини қўлга киритди. 51 килограмм вазн тоифасида эса Олимжон Назаров WBO қитъалараро ориентал чемпионлик камарига сазовор бўлди.

Жорий йил 19 январда биринчи бўлиб, шогирдим Абдурасул Исмоилов Кореянинг Сеул шаҳрида жанг ўтказди. Февралнинг 22 санасида эса Олимжон Назаров ўз камарини филиппинлик боксчидан ҳимоя қилади. Бу икки жангнинг шартномалари тузилган ва ҳозир шу жангларга тайёргарлик олиб бораёямиз.

Ўзбек боксчилари профессионал боксда энди ном чиқаришни бошлаётди. Ҳаваскор боксда Ўзбекистонни бутун дунё тан олди. Лекин профессионал боксда ҳали унча биллишмайди. Артур Григорян, Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Исроил Мадримов, Шаҳрам Ғиёсов, Муроджон Аҳма-

далиев, Шохжаҳон Эргашевнинг натижаларидан сўнг профессионал бокс Ўзбекистонда анча жонланди, буни интернет тармоқлари орқали ҳам кузатиб турибмиз, 2020 йилда бу натижа яна ҳам юқори бўлади, албатта.

Бизда иқтидорли боксчилар жуда кўп. Уларнинг баъзиларини ўзим билан Кореяга олиб кетганман. Шунингдек, уларнинг айримлари Россия, АҚШ ва бошқа давлатларда ҳам шуғулланишмоқда. Боксчиларимиз билан ҳозир асосан хорижлик промоутерлар ишламоқда. Мен айтмоқчи бўлганим, Ўзбекистоннинг ўзида профессионал бокснинг ривожлантириш учун ана шундай компанияларни очиб керак. Ҳатто ҳозир ҳам юртимизда жаҳон чемпионлик камарлари учун жанглари ўтказса бўлади. Чунки дунё талабларига жавоб берадиган «Himo» аренаси бор. Қолаверса, профессионал боксдан яхши фойда қўриш мумкин. 2020 йилнинг биринчи ойида ўзбек боксчиларидан Равшанбек Умурзоқов, Абдурасул Исмоилов ҳам навбатдаги жанглари ўтказишди. Муроджон Аҳмадалиев жаҳон чемпионлик камари учун рингга чиқади.

**Дилшод АБДУРАҲМОНОВ,**  
«Динамо» спорт жамиятининг бокс бўйича бош мураббийи:

— 2019 йилда бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатида «Динамо»



спорт жамияти умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Шогирдим Шухрат Абдуллаев 81 килограмм вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони, «Динамо» спорт жамияти тарбияланувчиси Баҳодир Жалолов эса жаҳон чемпиони бўлди. Бундан ташқари, Ҳасанбой Дўсматов, Абдулҳай Шораҳмедов, Фазлиддин Ғойибназаров ҳам жамоамиз вакиллари.

Жорий йил февраль ойида Хитойнинг Ухан шаҳрида Олимпия ўйинларига саралаш турнири ташкил этилади. Уйлаймани, ҳар бир мураббийнинг шогирди саралаш турнирида Олимпиадага йўлланма олиб, яхши натижа кўрсатишга ҳаракат қилади. Мен ҳам мураббий сифатида шогирдим Шухрат

Абдуллаев Олимпиадада иштирок этиб, шохсупада Ўзбекистон байроғини кўтаришни хошлайман.

Биз барча мураббийлар бир жон, бир тан бўлиб, Токио Олимпиадасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни олишга интиламиз. Ўтган олимпиадада уч нафар шогирдимиз олтин медални қўлга киритган бўлса, бу йил уларнинг сони янада кўпайишига ҳаракат қиламиз.

**Шухрат АБДУЛЛАЕВ,**  
81 килограмм вазнда Ўзбекистон чемпиони:

— Бироз танаффусдан кейин мураббийим Дилшод Абдураҳмонов раҳбарлигида яна машгу-

лотларни бошладим. 2019 йилда ўзимиз кўзлаган мақсадга етдик, Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 2020 йилнинг 3 февралда Хитойнинг Ухан шаҳрида бўладиган саралаш турнирида қатнашаман. Мақсадим — Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш. Кейин Токиода бўладиган ёзи Олимпиада ўйинларида чемпион бўлиб, юртимиз байроғини баланд кўтариш. Олимпиадада ютсак, кейин профессионал боксга ҳам тўлиқ ўтаимиз. Шу кунга қадар профессионал боксда 6 та жанг ўтказиб, уларда ғолиб бўлдим.

**Шаҳбоз САИДОВ,**  
журналист.

### СУД ҲИМОЯСИДА

## Аризачилар муаммолари ҳал қилинди

**Амалдаги қонунчилигимизда фуқароларнинг хорижий давлатларга чиқиши учун тартиб-қоидалар белгилаб қўйилган. Унга кўра, фуқаролик паспортида унинг туғилган йили, ойи ва кунни тўлиқ акс эттирилган бўлиши лозим. Бироқ ХХ асрнинг ўрталарида республикамиз ҳудудида фуқароларимизга берилган туғилганлиги ҳақидаги аксарият ҳужжатларда уларнинг туғилган йили кўрсатилган бўлса-да, туғилган ойи ва кунда чалкашликлар мавжуд. Бу эса иш жараёнида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига путур етказмоқда. Айниқса, умра ва ҳаж сафарларини ният қилган айрим кексаларимиз сарсон бўлишмоқда.**



Натижада хорижга чиқиш паспортларини расмийлаштиришда муаммага дуч келинмоқда. Улар мазкур масалада ФХДЭ органларига мурожаат қилганларида эса ушбу бўлимдан ҳам рад жавобини олишмоқда. Шу боис улар Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган, туманларда фаолият кўрсатаётган маъмурий судларга мурожаат қилганларида эса ушбу бўлимдан ҳам рад жавобини олишмоқда. Шу боис улар Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган, туманларда фаолият кўрсатаётган маъмурий судларга мурожаат қилганларида эса ушбу бўлимдан ҳам рад жавобини олишмоқда. Шу боис улар Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган, туманларда фаолият кўрсатаётган маъмурий судларга мурожаат қилганларида эса ушбу бўлимдан ҳам рад жавобини олишмоқда.

Утган давр мобайнида Ургут туман маъмурий суди фуқароларнинг мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризалари асосида ФХДЭ органларига мажбурият юклаш билан боғлиқ бўлган 36 та иш мазмунан кўриб чиқилди ва ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Ушбу ишлардан айнан 21 таси умра ва ҳаж сафарлари билан боғлиқ бўлгани учун ФХДЭ органларига мажбурият юклаш сўралган, барча шикоят ариза қаноатлантирилган.

Масалан, судга ариза билан мурожаат қилган Нарзитош Дониёрова 1949 йилда туғилганлигини, бироқ ўша вақтда ота-онаси далолатнома олмаганлиги боис муаммага дуч келганлигини баён қилган.

Суд Ургут тумани 1-сон ФХДЭ бўлими зиммасига Нарзитош Дониёрованынгу туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувида кун, ойи, йилини кўрсатиш мажбуриятини юклади. Суднинг ҳал қилув қарори ижро этилди ва аризачининг муаммоси ечилди.

Ургут туман маъмурий суди шу тариқа айрим фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиб келмоқда.

**А.АЛИМОВ,**  
Ургут туман маъмурий судининг раиси.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси «Хитой сиёсати, тарихи ва иқтисодиёти» кафедраси мудири Наталья Каримовага отаси

**Эрман ЦОЙ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

# 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

## миқдоридоги хорижий кредит маблағлари эвазига 40 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Агробанк» АТБ томонидан «Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда бугунги кунда банк томонидан нафақат аҳоли ва миқозларга тезкор, ишончли, замонавий банк хизматлари, балки йирик тадбиркорлик субъектларининг истиқболли, инвестицион ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Банкмиз 2019 йилда тадбиркорлик субъектларининг инвестиция ва истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш учун 3,9 триллион сўм миқдорда кредит ажратди, — дейди «Агробанк» АТБ бош менежери Абдураҳмон Шеров. — Мазкур кредитларнинг 48 фоизи санаатга, 14 фоизи қишлоқ хўжалигига, 5 фоизи ижтимоий таъминот ҳамда иқтисодий таъминотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларга ҳамда 33 фоизи қурилиш, транспорт-коммуникация тармоқларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Хусусан, тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати йўналишида Қашқадар ви-

лоятдаги «Китоб ип йигирув» АЖнинг қиймати 27 миллион долларлик йилга 38 миллион доллар миқдордаги 11 минг 200 тонна ип-калага ва 15 миллион долларлик тайёр мато маҳсулотлари, Тошкент вилоятдаги «Максим-голдтекс» корхонасининг қиймати 9 миллион доллар миқдордаги йилга 9300 тонна ёки 15 миллион доллар ип-калага, Бухоро вилоятдаги «Вобкент тола кластер» корхонасининг қиймати 25 миллион долларлик йилга 9900 тонна ёки 30,7 миллион доллар миқдорда ип-калага ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларига кредитлар ажратилди.

«Агробанк» эркин иқтисодий зоналардаги экспортга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам тайёргарлик кўрмоқда. «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасида жойлашган «Сирдарё мегалюкс» ана шулардан бири. Ушбу корхонанингу умумий қиймати 60 миллион евро миқдордаги полипропилен гранулалардан йилга 25,5 минг тонна



биоаксал плёнка ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаси молиялаштирилди.

Мазкур банк халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва кредит линия маблағларини жалб этиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб бормоқда. Хусусан, 12 та хорижий банк билан вакиллик алоқалари ҳамда 10 дан зиёд халқаро молия институти билан кредит линия маблағларини жалб қилиш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Германиянинг «Коммерцбанк», «Ландесбанк»лари, Австриянинг «Райфайзен банк», Жанубий Кореянинг «КЭБ Хана банк»,

Россиянинг «Сбербанк»лари шулар сирасидандир.

«Агробанк» томонидан 2018 йилда Туркиянинг «Зираат» банки билан 20 миллион долларга ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислон корпорацияси билан 10 миллион доллар, жами 30 миллион доллар миқдорда кредит линия маблағлари жалб қилинган бўлса, 2019 йилнинг 11 ойида бу борадаги курсаткич 100 миллион долларни ташкил этди. Пировардида 40 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суверен облигацияларини жойлаштириш

эвазига келиб тушган маблағлар ҳисобидан 30 та инвестиция лойиҳасига 110 миллион доллар миқдорда кредит ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» жамоаси юртимиз иқтисодиёти-ни янада тараққий эттириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш ва истиқболли бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва миқозлар учун қўлай бўлган инновацион, интерфаол ва электрон банк хизматларини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.



# «ПАРКЕНТ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ»

давлат унитар корхонаси жамоаси:

— Янги — 2020 йил  
билан барга юрпдошларимизни  
муборакбод этамиз!

Йўлларимиз янада равон, ҳаётимиз обод бўлсин!



## МЕНДА ТАКЛИФ БОР

## Саҳна ортидаги ўйлар

Ўки талабалар учун чипталар нархи бўйича мулоҳазалар

Ҳафтада бир марта театрға боришга ҳаракат қиламан. Инсоннинг маънавий шаклланишида бу даргоҳнинг ўзига хос ўрни бор. Бу гал Муқимий номидаги давлат мусиқали театрига йўл олдим. Томошабинлар ичкарига кириб улгурган экан. Кассага ошиқдим. Чўнтагимда 30 минг сўм пул бор. Орқа ўриндиқларнинг нархини сўрасам, 20 минг сўм экан. Олдинги қаторлар эса 40-30 минг сўм. Спектаклни томоша қилиш нияти устун келиб, чипта сотиб олдим. Зал лиқ тўла, деб тасаввур қилгандим. Адашган эканман. Ўриндиқларнинг деярли ярми бўш эди. Ҳайрон бўлдим. Бунга нима сабаб деб ўйлайсиз?



Томошадан сўнг фурсатини топиб, касса сотувчисидан "мен талабаман, чипталар сотилмай қолганидан кўра харна пул тушгани маъқул эмасми, олдинги қаторларда анчагина ўриндиқ бўш экан-ку?!", дедим. Сотувчи галати қараб, "биз бунди билмаймиз, нима шикоятингиз бўлса, бошлиқларимизга чиқиб айтинг", деди. Тўғриси, спектакль ёқди. Актёр ва актрисалар ўз ролларини аjoyиб ижро этишди. Кўпчилиқда илиқ таассурот уйғотишди. Мени эса ҳамон бир савол ўйлантирарди. Ҳамманинг театрга киргиси келади, тўғрими? Аммо, масалан, аксарият талабаларнинг 20 минг сўмдан тўлашга қурби етмайди. Балки, чипталарни арзонлаштиради, театрнинг харажатлари қопланмас, бироқ бўш ўриндиқлар ҳам фойда бермаслиги аниқ-ку?! Орқа қаторнинг ҳам 20 минг сўм эканини кўрган, эшитган қанча талаба ва ўқувчи изларига қайтиб кетишмади дейсиз. Устига-устак, спектакль қуришга келганлар қўшимча харажат ҳам қилишади.

Мисол учун, нимадир олиб ёйди, сув, чай, қаҳва ичади...

Янги йилдан "балки нархи ўзгаргандир", деган фикр билан театр кассаларига телефон қилдим. Нархлар ҳамон ўша-ўша. Шу билан бирга театрлардаги чипталарнинг нархлари ҳам турлича эканлиги мени ҳайрон қолдирди. Баъзи бирларида жойлар болалар учун ҳам 20 минг сўмдан, марказий театрларда эса балкон 30 минг, пасти қаторлар эса 40 мингдан бошланар экан.

Биз соҳа мутасаддиларидан, театр маъмуриятидан чипталарни текин қилинг, демаймиз. Балки, ҳафтанинг ҳеч бўлма-са бир кунда айнан талаба ва ўқувчилар учун чипталарни чегирмали нархда сотиш ташкил этилар. Агар шундай қилинса, театрнинг ўриндиқлари ҳам, биз талабаларнинг кўнгли ҳам тўлган бўларди.

Оламгир АБДИЕВ,  
ЎзЖОКУ талабаси.

## ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

## O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Qalandar ABDURAHMONOV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Ulug'bek VAFQOYEV	Guliston ANNAQILICHEVA	Farrux HAMROYEV
Mahmud TOIR	Muslihiiddin MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
	Shuhrat JALILOV	

Qabulxona — (71)233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56  
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 151. 2042 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 22:15.  
Topshirilgan vaqti — 00:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Abdurauf KORJOVOV  
Sahifalovchi-dasturchi:  
Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5